

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ,  
РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭПИДЕМИОЛОГИЯ,  
МИКРОБИОЛОГИЯ, ЮҚУМЛИ ВА ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАР  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭПИДЕМИОЛОГИЯ,  
МИКРОБИОЛОГИЯ, ЮҚУМЛИ ВА ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАР  
ИЛМИЙ - АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**КУРБАНОВ БОТИРЖОН ЖУРАБАЕВИЧ**

**КОРОНАВИРУС ИНФЕКЦИЯСИНИНГ (COVID-19)  
СЕРОЭПИДЕМИОЛОГИК ТАҲЛИЛЛАРИ АСОСИДА  
ПРОФИЛАКТИК ВА ЭПИДЕМИЯГА ҚАРШИ ЧОРА-ТАДБИРЛАРНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**14.00.30 – Эпидемиология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2022**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)**

**Contents of the Doctor of Sciences (DSc) dissertation abstract**

**Курбанов Ботиржон Журабаевич**

Коронавирус инфекциясининг (COVID-19) сероэпидемиологик тахлиллари асосида профилактик ва эпидемияга қарши чора-тадбирларни такомиллаштириш..... 3

**Курбанов Ботиржон Журабаевич**

Совершенствование профилактических и противоэпидемических мероприятий на основе сероэпидемиологического анализа коронавирусной инфекции (COVID-19)..... 29

**Kurbanov Botirjon Jurabaevich**

Improvement of preventive and anti-epidemic activities based on seroepidemiological analysis coronavirus infection (COVID-19)..... 55

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 59

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ,  
РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭПИДЕМИОЛОГИЯ,  
МИКРОБИОЛОГИЯ, ЮҚУМЛИ ВА ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАР  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭПИДЕМИОЛОГИЯ,  
МИКРОБИОЛОГИЯ, ЮҚУМЛИ ВА ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАР  
ИЛМИЙ - АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**КУРБАНОВ БОТИРЖОН ЖУРАБАЕВИЧ**

**КОРОНАВИРУС ИНФЕКЦИЯСИНИНГ (COVID-19)  
СЕРОЭПИДЕМИОЛОГИК ТАҲЛИЛЛАРИ АСОСИДА  
ПРОФИЛАКТИК ВА ЭПИДЕМИЯГА ҚАРШИ ЧОРА-ТАДБИРЛАРНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**14.00.30 – Эпидемиология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2022**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси** **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.DSc/Tih495 рақам билан руйхатга олинган.**

Диссертация Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий - амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим портали (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:** **Қосимов Одиалжон Шодиёвич**  
тиббиёт фанлари доктори

**Расмий оponentлар:** **Юв Мунсу**  
PhD, MPH, профессор

**Маматқулов Иброҳим Хомидович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Нёъматов Аминжон Сабдарович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етақчи ташкилот:** **Тошкент педиатрия тиббиёт институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси, Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc 04/30.12.2019 Tib 30.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «10» сентябр куни соат 13 даги мажлисида бўлиб ўтди. Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел/факс: (+99871) 150-78-25.

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (837 рақам билан руйхатга олинган.) (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел.: (+998 78) 150-78-25).

Диссертация автореферати 2022 йил «23» сентябр куни тарқатилди.  
(2022 йил «23» сентябр даги 4 рақамли реестр баённомаси)



**Л.Н. Туйчиев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Н.У. Таджиева**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**[Т.А. Даминов]**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қўл йидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

## КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Вирусли юқумли касалликлар тиббиётнинг долзарб муаммоларидан бири хисобланади. ЖССТ нинг экспертлари маълумотларига кўра, «... юқумли касалликларнинг 80% ни вируслар келтириб чиқаради»<sup>1</sup>. Ер юзида ҳозирги вақтда миллиардлаб одамлар у ёки бу турдаги вирусли юқумли касалликлар билан касалландилар. 2019 йилнинг декабр ойида Хитой Халқ Республикасининг Ухань шаҳрида маҳаллий аҳоли ўртасида этиологияси номаълум бўлган пневмония ҳолатлари аниқланди. Бу ҳақда ХХР 2019 йилнинг 31-декабрида ЖССТ га хабар берди. COVID-19 («coronavirus disease 2019») вирусли пневмониянинг этиологик агенти SARS-CoV-2 янги коронавирус эканлиги аниқланди. 2020-йилнинг 11-мартида ЖССТ касалликнинг тарқалишини пандемия дея эълон қилди. 2020 йилнинг март ойидан бошлаб 187 дан ортиқ давлатларда COVID-19 қайд этилди. Шу жиҳатдан, COVID-19 инфекциясини ўз вақтида ва эрта ташхисотининг замонавий усулларини қўллаш, даволаш ва профилактика тадбирларини такомиллаштириш, ўлим ҳолатларини олдини олиш амалий тиббиётнинг устувор йўналишлари бўлиб қолмоқда.

Жаҳонда COVID-19 инфекциясининг клиник кечиши ва даволаш, олдини олиш самарадорлигига эришиш мақсадида қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада, жумладан пандемиянинг таъсирини юмшатиш учун турли аҳоли гуруҳларида COVID-19 нинг эпидемик тарқалишининг ҳар хил босқичларида SARS-CoV-2 вирусининг асосий юқиш йўллари аниқлаш, касалланиш ва вакцинациядан сўнг, SARS-CoV-2 га қарши иммунитетнинг давомийлигини аниқлаш, қонда SARS-CoV-2 га қарши IgM ва IgG антитаначалар миқдорини аниқлаш, вирусни аниқлаш учун ташхисот воситаси ва аҳолини узоқ муддатли муҳофазасини таъминлай оладиган вакциналарни яратиш, реинфекцияни олдини олишда иккиламчи иммун жавобнинг аҳамиятини ўрганиш, COVID-19 билан касал бўлиб соғайганларни эса эмлаш муддатларини белгилаш, жамоавий иммунитетни ўрганиш, COVID-19га қарши юқори самарали профилактик ва эпидемияга қарши чора-тадбирлар ишлаб чиқиш кабилар қатта аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда тиббий хизмат кўрсатишни ривожлантириш ҳамда жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, юқумли касалликларни хусусиятлари, жумладан COVID-19 ни ташхисоти ва даволашда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштиришга йўналтирилган тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, «...коронавирус инфекцияси тарқалишини ва асоратларини камайтириш, беморларга самарали тиббий хизмат кўрсатишни ташкил этиш»<sup>2</sup> каби вазифалари белгиланган. Бундан келиб чиққан ҳолда, COVID-19 инфекцияси билан касалланган беморлар

<sup>1</sup> Global Burden of Disease 2020. World Health Organization Geneva. <http://www.who.int/publications>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 мартдаги 4649-сонли «Ўзбекистон Республикасида коронавирус инфекцияси кенг тарқалишининг олдини олишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги Қарори

ташҳисоти ва даволашда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш орқали ўлим ҳолатларини камайтириш алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 25 июлдаги ПФ-6035-сон «Коронавирус пандемиясини юмшатиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва саломатлигини сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>3</sup>.** COVID-19 нинг тарқалганлиги, ташҳисоти, даволаш усуллари ва олдини олишни такомиллаштиришга қаратилган илмий-тадқиқот ишлари ҳамда жамоавий иммунитет бўйича вазиятни баҳолаш, сероэпидемиологик текширувлар ўтказиш орқали касалликдан ва эмлашдан сўнг SARS-COV-2 га қарши ҳосил бўлган иммунитетнинг давомийлигини ўрганишга йўналтирилган қатор илмий изланишлар дунёнинг етакчи халқаро илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан Johns Hopkins University, National Institutes of Health, Bethesda University of Minnesota (АҚШ), Karolinska University (Швеция), University of Torino, University of Ferrara (Италия), University College London (Буюк Британия), Chinese Academy of Medical Sciences, Guangzhou Medical University (Хитой), Université de Montpellier (Франция), University College of Medical Sciences (Ҳиндистон); Пастер номидаги Эпидемиология ва микробиология ИТИ (Россия Федерацияси); Вирусология илмий-текшириш институти, Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юкумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт маркази (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Жаҳонда COVID-19 инфекциясининг тарқалганлиги, ташҳисоти, даволаш усуллари ва махсус профилактикаси муаммосининг амалий ечимини ҳал этишга йўналтирилган қатор, жумладан қуйидаги илмий натижалар олинган: коронавирусларнинг 4 та альфа-коронавирус, бета-коронавирус, гамма-коронавирус ва дельта-коронавирусларнинг 2 турлари мавжудлиги исботланган (Johns Hopkins University, National Institutes of Health, Bethesda University of Minnesota, АҚШ); Хитойда ижтимоий масофани сақлаш эпидемия

---

<sup>3</sup> Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи. [www.carey.jhu.edu](http://www.carey.jhu.edu); [www.nih.gov](http://www.nih.gov); [www.twin-cities.unm.edu](http://www.twin-cities.unm.edu); [www.karolinska.se](http://www.karolinska.se); [www.en.unito.it](http://www.en.unito.it); [www.unife.it](http://www.unife.it); [www.ucl.ac.uk](http://www.ucl.ac.uk); [www.english.cams.cn](http://www.english.cams.cn); [www.gzhmu.edu.cn](http://www.gzhmu.edu.cn); [www.umontpellier.fr](http://www.umontpellier.fr); [www.ucms.ac.in](http://www.ucms.ac.in); [www.pasteurorg.ru](http://www.pasteurorg.ru); [www.riv.uz](http://www.riv.uz); [www.uzinfectology.uz](http://www.uzinfectology.uz) ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

жадаллигини 50-60 % га пасайишига олиб келиши исботланган (Chinese Academy of Medical Sciences, Guangzhou Medical University, Хитой); коронавирусларнинг S-оқсили, уларнинг вирулентлигини, тўқима тропизмини белгилайдиган асосий таркибий қисмлардан бири эканлиги исботланган (University of Torino, University of Ferrara, Италия); коронавирусга қарши антитаначалар мавжуд бўлган одамлар инфекциядан етарлича химояланганлиги тўғрисида ишончли далиллар эмаслиги исботланган (University College London, Буюк Британия); вирус юкламаси касалликнинг 2-ҳафтасида энг юқори кўрсаткичда бўлиши, беморлар 30 кунгача ва ундан ортиқ вақт оралиғида вирус ажратишлари мумкинлиги тасдиқланган (Пастер номидаги Эпидемиология ва микробиология ИТИ, Россия Федерацияси); SARS-CoV-2 вирусига қарши ҳосил бўлган иммун таначаларнинг қандай даражаларда ва қанча муддатда сақланаётганлигини аниқлаш мумкинлиги асосланган (University College of Medical Sciences, Хиндистон); вирусга қарши В-хужайравий жавобнинг ривожланиши ва давомийлиги нафақат дастлабки инфекциядан химояланиш, балки қайта касалланишга қарши иммунитетни таъминлаши аниқланган (Université de Montpellier, Франция); вирусни нейтралловчи антитаначанинг одам организмида сақланиш муддатини аниқлаш орқали SARS-COV-2 га (касалланишдан ва вакцинациядан сўнг) қарши иммунитетнинг давомийлигига аниқлик киритилган (Karolinska University, Швеция); аҳолини оммавий синовдан ўтказиш, COVID-19 инфекцияси билан касалланганларни, шу жумладан белгисиз ёки енгил шаклда ўтказётган шахсларни фаол аниқлаш имкониятини бериши аниқланган (Вирусология илмий-текшириш институти); коронавирус инфекцияси билан касалланиш кўрсаткичларининг эпидемиологик таҳлили асосида инфекциянинг тарқалишини прогнозлаш ва эпидемиологик мониторинги ишлаб чиқилган (Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юкумли ва паразитар касалликлар илмий - амалий тиббиёт маркази (Ўзбекистон).

Дунёда коронавирус инфекциясининг (COVID-19) сероэпидемиологик таҳлиллари асосида профилактик ва эпидемияга қарши чора-тадбирларни такомиллаштириш бўйича катор, жумладан қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: COVID-19 инфекциясига чалинган беморларни эрта ташҳисоти, даволаш усуллари ва олдини олиш самарадорлигини мувофиқлаштириш, гуморал иммун жавоб ва реинфекцияни олдини олишда иккиламчи иммун тизимнинг аҳамиятини ўрганиш, пандемиянинг тарқалиш суръатини башоратлаш асносида карантин тадбирларини кучайтириш ёки юмшатиш мумкинлиги, қонда SARS-CoV-2 га қарши иммун тизим хужайралари ишлаб чиқарган IgM ва IgG антитаначаларни аниқлаш, вирусни аниқлаш учун ташҳисот воситаси ва тарқалишини тўхтатиш, аҳолини узоқ муддатли химоясини таъминлай оладиган вакциналарни яратиш, COVID-19 билан касал бўлиб соғайганларни эмлаш муддатини белгилаш, жамоавий иммунитетни ўрганиш, COVID-19 инфекциясини тарқалишига самарали қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** 2019 йилнинг декабр ойида Ухань шаҳрида (Хитой Халқ Республикасининг (ХХР) Хубей провинцияси) маҳаллий аҳоли ўртасида этиологияси номаълум бўлган пневмония ҳолатлари аниқланди, бу ҳақда ХХР 2019 йилнинг 31-декабрида ЖССТ га хабар берди. COVID-19 вирусли пневмониянинг этиологик агенти Severe Acute Respiratory Syndrome coronavirus 2 (SARS-CoV-2) янги коронавирус эканлиги аниқланди. Профилактик ва эпидемияга қарши зарур чора-тадбирлар ўтказилишига қарамадан, COVID-19 ни дунёнинг кўпгина мамлакатларида пайдо бўлиши ХХР билан боғлиқ бўлиб қолди. 2020 йил 30-январда ЖССТ халқаро аҳамиятга эга бўлган, жамоат соғлигини сақлаш соҳасида янги коронавирус тарқалишининг фавқулодда ҳолатини эълон қилди. ЖССТ 2020 йил январ ойида КХТ-10 «Фавқулодда ҳолатларда қўлланиладиган кодлар» бўлимини янгилади, яъни COVID-19 - U07.1 учун махсус кодни қўшди (Белоцерковская Ю.Г. ва ҳаммуаллифлар 2020; Никифоров В.В. ва бошқалар 2020; Пшеничная Н.Ю., Веселова Е.И. 2020; Chaolin Huang et al., 2020; Zhou F et al., 2020).

Бугунги кунда янги коронавирус инфекцияси патогенези тўлиқ ўрганилмаган бўлиб, бу вирусга қарши ҳосил бўладиган иммунитет бўйича аниқ маълумотлар ҳам йўқ. Маълумки, вирус хўжайини организмда турли мамлакатларга тарқалишида мутацияга учраши ва ҳосил бўлган янги вирус штаммининг ўта ўзгарувчанлиги ва генетик сараланиши сабабли, мураккаб вазиятлар вужудга келиши мумкин, бу пировард натижада COVID-19 га нисбатан иммунитет шаклланиши ва инфекция тарқалиш қонуниятларининг ўзгаришига олиб келади (Zhang W, Du R.H, Li B., 2020). Касалликни одамлар орасида жуда тез тарқалиши, ҳатто ўлим билан якунланишини инобатга олган ҳолда эмлаш тадбирларини ўтказиш ўта муҳим саналади (Харченко Е. П., 2020; Zhu F.C, et al., 2020).

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда янги коронавирус инфекциясининг тарқалишида муҳим ўрин эгаллайдиган эпидемиологик омилларни баҳолаган ҳолда мавжуд вазиятни илмий таҳлил қилиш орқали касалликнинг тарқалишини олдини олиш ва унинг асоратларини минимал даражагача камайтириш долзарб ҳисобланади. Бундан ташқари, коронавирус инфекциясини (COVID-19) республикамиз аҳолисининг турли ёшдаги ва ижтимоий гуруҳларида учрашининг эпидемиологик таҳлилинини ўтказиш ҳамда илмий асосланган комплекс чора-тадбирлар тизимини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эгадир.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг илмий-тадқиқот режаларига мувофиқ А-СС-2021-140 сонли «Коронавирус инфекцияси билан касалланиш кўрсаткичларининг эпидемиологик таҳлили асосида инфекциянинг тарқалишини прогнозлаш ва эпидемиологик мониторинг тизимини ишлаб чиқиш» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган (2021-2022 йй).



**Тадқиқотнинг мақсади** коронавирус инфекциясининг (COVID-19) сероэпидемиологик таҳлиллари асосида профилактик ва эпидемияга қарши чора-тадбирларни такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

республикада қайд этилган COVID-19 инфекцияси билан касалланишнинг ретроспектив эпидемиологик таҳлили;

COVID-19га қарши эмланган шахслар ҳамда эмланмаганларнинг гуморал иммунитет ҳолатини (SARS-CoV-2 га қарши IgG ва S-RBDab антитаначаларининг даражасига асосан) қисқа (1 ойдан кейинги) ва ўртача (4-6 ой) муддатли тадқиқотларини ўтказиш ва натижаларни таҳлил қилиш;

сероэпидемиологик тадқиқотлар асосида эмлаш учун қўлланилган вакциналарнинг самарадорлигини қиёсий таҳлили;

республикада гетерологик эмлашнинг самарадорлигини таҳлили;

Ўзбекистон Республикасида пандемия ва пандемиядан кейинги даврда COVID-19 га қарши махсус профилактиканинг стратегиясини ишлаб чиқиш;

COVID-19га қарши юқори самарали профилактик ва эпидемияга қарши чора-тадбирларни ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида республика вилоятларида COVID-19 инфекцияси ташҳиси билан рўйхатга олинган беморлар бўйича СЭО ва ЖСХ бошқармаларининг статистик маълумотлари, уларнинг эпидемиологик ҳамда амбулатор карталари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида беморлардан олинган вена қони, қон зардоби, вирус РНКси материаллари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот вазифаларини ҳал этиш ва мақсадга эришиш учун эпидемиологик (ретроспектив ва оператив таҳлил), серологик (иммунофермент ва иммунохемилюминесцент таҳлиллари), молекуляр-генетик (полимераза занжир реакцияси усули) ва статистик (Пирсон коэффициенти хи квадрат ( $\chi^2$ ) ва Фишер усули) усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

коронавирус инфекциясида сероэпидемиологик тадқиқотлар ПЗР текширувига қўшимча равишда ҳамда эмлашга бўлган кўрсатмаларни белгилашда асосий текширув усули эканлиги исботланган;

COVID-19 билан касалланиб соғайганларда SARS-COV-2 га қарши IgG антитаначасининг даражаси 6 ойдан кейин юқори даражада сақланиб қолиши асосланган;

COVID-19 билан касал бўлиб соғайганлар гуруҳида эмлангандан сўнг SARS-COV-2 га қарши IgG синфидаги ва S-RBD га қарши антитаначалар даражасининг юқорилиги ҳамда динамикада ошиб бориши исботланган;

илк бор SARS-CoV-2 га қарши иммун жавобнинг шаклланишида IgG антитаначаларига нисбатан S-RBD га қарши антитаначалар ахамиятлироқ эканлиги асосланган.

республикада коронавирусга қарши эмлашда фойдаланилаётган AstraZeneca, Спутник V, ZF-UZ-VAC2001, Moderna ва Pfizer вакциналарнинг қиёсий самарадорлиги ҳамда гетероген вакцинация усулида эмлаш юқори иммуногенликга эга эканлиги асосланган;

Ўзбекистон аҳолисини асосий ва бустер дозада эмлаш муддатлари ҳамда вакциналарни самарали қўллаш схемалари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

COVID-19 инфекциясини ПЗР усулида тасдиқланган ҳолатлари таҳлил этилган;

COVID-19 инфекцияси билан касалланишнинг эпидемиологик таҳлили ўтказилган;

сероэпидемиологик текширишлар орқали COVID-19 билан кумулятив касалланиш кўрсаткичлари аниқланган;

сероэпидемиологик текширувлар ўтказиш орқали касалликдан ва эмлашдан сўнг SARS-COV-2 га қарши иммунитетнинг давомийлиги ўрганилган;

AstraZeneca, Спутник V, ZF-UZ-VAC2001, Moderna ва Pfizer вакциналарининг иммунологик ва эпидемиологик самарадорлиги баҳоланган;

гетероген вакцинация усулида эмлашнинг самарадорлиги ўрганилган;

асосий ва бустер дозада эмлаш муддатлари ҳамда вакциналарни самарали қўллаш схемалари ишлаб чиқилган.

COVID-19га қарши юқори самарали профилактик ва эпидемияга қарши чора-тадбирлар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, тадқиқотларда қўлланилган замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи эпидемиологик, молекуляр-генетик, серологик ва статистик усуллар, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, COVID-19 билан касал бўлиб соғайганларда эмлангандан сўнг SARS-COV-2 га қарши IgG синфидаги ва S-RBD га қарши антитаначалар даражасининг юқорилиги ҳамда динамикада ошиб бориши, SARS-CoV-2 га қарши иммун жавобнинг шаклланишида IgG антитаначаларига нисбатан S-RBD га қарши антитаначалар аҳамиятли эканлиги, AstraZeneca, Спутник V, ZF-UZ-VAC2001, Moderna, Pfizer вакциналарининг иммунологик ва эпидемиологик самарадорлиги, гетероген вакцинация усулида эмлашнинг самарадорлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, бемор саломатлигининг тез қайта тикланиши ва эрта ташҳисоти ҳамда асоратларнинг олдини олиш, ўлим кўрсаткичини камайтириш, эмлаш стратегияси, вакцина таъминлайдиган ҳимоя, касалликни олдини олиш ва беморларнинг шифохонада даволанишига сарфланадиган харажатларни камайтириш билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Коронавирус инфекциясининг (COVID-19) сероэпидемиологик таҳлиллари асосида профилактик ва эпидемияга қарши чора-тадбирларни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

эпидемиологик вазиятни кескинлашуви даврида ишчи ва ходимларни саломатлигини ҳимоя қилиш бўйича олинган илмий натижалар асосида «COVID-19 пандемияси даврида чеклаш тадбирларини қўлланиши шароитида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, шунингдек тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини ташкил қилиш тўғрисидаги вақтинчалик Санитария қоида, меъёрлари ва гигиена нормативлари» тасдиқланган (Ўзбекистон Республикаси Бош Давлат санитария вақтинчалик СанҚваМ COVID-19 инфекциясининг тарқалиши бўйича эпидемиологик вазиятни кескинлашуви даврида ишчи ва ходимларни саломатлигини ҳимоя қилиш учун мақбул меҳнат шароитини ва меҳнат жараёнини ташкил этиш, фавқулодда вазиятда эпидемиологик барқарорликни таъминлаш имконини берган;

коронавирус инфекциясининг оғирлик даражасига мувофиқ беморларни тақсимлаш, касалхонадан чиқариш ва тузалиш мезонлари COVID-19га қарши эмлаш тартиби бўйича олинган илмий натижалар асосида «COVID-19 коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларни даволаш бўйича вақтинчалик тавсиялар» (8 версия) Соғлиқни сақлаш вазирининг 82-сонли буйруғи тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирининг 2021 йил 21 апрелдаги 82-сонли буйруғи). Ушбу буйруқ COVID-19 инфекцияси билан касалланган беморларни касалликнинг кечишига кўра, тақсимлаш, шифохонадан чиқариш ва илк бора COVID-19 га қарши эмлаш тартибини белгилаш имконини берган;

серопревалентликни баҳолаш, антитаначаларнинг сақланиш муддатини динамикада ўрганиш, бўйича олинган илмий натижалар асосида «COVID-19 нинг профилактикаси ва эпидемиологик назорати тизимида сероэпидемиологик текширишларнинг аҳамияти» номли услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 7 октябрдаги 8н-м/862-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома иммунитет ҳолатига боғлиқ равишда популяцияда серопревалентликни баҳолаш, IgM ва IgG антитаначаларнинг сақланиш муддатини динамикада ўрганиш, инфекцияни қайта юктириш хавфи юқори бўлган гуруҳларни ажратиш ҳамда биринчи навбатда эмлаш зарур бўлган контингентларни аниқлаш имконини яратади;

AstraZeneca, Спутник V, ZF-UZ-VAC2001 вакциналарининг иммунологик ва эпидемиологик самарадорлигини баҳолаш натижалари бўйича олинган илмий натижалар асосида «Пандемия шароитида COVID-19 га шошилишч вакцинапрофилактика ва эпидемиологик назорат тизимида сероэпидемиологик текширув (эмлашгача ва эмлашдан кейин SARS COV 2 га қарши антитаначаларнинг динамикаси)» номли услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 7 октябрдаги 8н-м/863-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома эпидемиологик назорат бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш, режали/шошилишч эмлаш, COVID-19 инфекциясида эпидемияга қарши ва профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш имконини берган;

коронавирус инфекциясининг (COVID-19) сероэпидемиологик таҳлиллари асосида профилактик ва эпидемияга қарши чора-тадбирларни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан Санитария -эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Жиззах ва Наманган вилоятлари бошқармалари фаолиятига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 26 январдаги 08-09/3060-сон маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши COVID-19 га қарши эмлаш тартибини белгилаш ҳамда сероэпидемиологик таҳлиллари асосида профилактик тадбирларни такомиллаштириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 28 та илмий ишлар чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 13 та мақола, жумладан 9 таси республика ҳамда 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 169 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Коронавирус инфекциясининг (COVID-19) сероэпидемиологияси**» деб номланган биринчи бобида иш мавзусига оид илмий адабиётларнинг таҳлили берилган. Коронавирусларнинг номи, янги коронавируснинг тузилиши ва уларнинг хусусияти, табиатдаги хўжайини, келтириб чиқарадиган касалликлари ҳамда 2000 йилдан одамлар орасида учраётган янги коронавирусларнинг таснифи баён этилган. Бундан ташқари, ушбу бобда COVID-19 инфекциясининг эпидемиологик хусусиятлари, COVID-19 инфекциясининг эпидемиологик назорати тизимида сероэпидемиологик текширишларнинг аҳамияти ва COVID-19 инфекциясига қарши пандемия шароитида шошилинч вакцинапрофилактика баён этилган.

Диссертациянинг «**COVID-19** инфекциясининг сероэпидемиологик мониторинги бўйича материаллар ва текшириш усуллари» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотнинг предмети, объекти ҳамда қўлланилган тадқиқот усулларига таъриф берилган.

Эпидемиологик усуллар ёрдамида Санитария -эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати бошқармаларининг COVID-19 инфекцияси билан касалланиш кўрсаткичлари бўйича маълумотлари таҳлил қилинди.

Серологик текшириш усули. Иммунохемилюминесцент таҳлили усули – Snibe, Maglumi анализаторлари (Хитой) компаниясининг тиббий ускунасида бажарилди.

Иммунологик усул: CD4 + лимфоцитлар миқдорини аниқлаш. Хужайравий иммунитетнинг айрим кўрсаткичлари (CD4 мутлак кўрсаткичларда, CD4 фоизда, лимфоцитлар миқдори) ва гематологик кўрсаткичлар (қоннинг умумий таҳлили) умумий қабул қилинган усулларда Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг лаборатория базасида бажарилди.

Молекуляр-генетик текширишлар. SARS-CoV-2 вирусининг РНК сани ажратиш ва Полимераза занжирли реакциясини ўтказиш ишлаб чиқарувчиларнинг махсус йўриқномаси асосида бажарилди.


Статистик усул: Статистик таҳлил Excel 2016 амалий дастурлар тўплами ёрдамида бажарилди. Беморларни эмлаш ва COVID-19 статуси бўйича гуруҳларга бўлинди. SARS-CoV-2 га қарши IgM ва IgG антитаначалар, SARS-CoV-2 S-RBD га қарши вирусни нейтралловчи IgG натижалари Excel жадвалига киритилди. Жадваллар ва фоизлар Excel нинг электрон жадвалларида формулалардан фойдаланган ҳолда тайёрланди. Тоифали ўзгарувчилар хи-квадрат мезонидан фойдаланган ҳолда солиштирилди, SARS-CoV-2 га қарши IgG/IgM антитаначаларнинг даражалари Манн-Уитни U-мезонидан фойдаланган ҳолда солиштирилди.  $p < 0,05$  дан кичик бўлганда қийматлар статистик аҳамиятли ҳисобланди.

Ушбу тадқиқотларни ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Этика қўмитасининг 2021 йилнинг 15-апрелида ўтказилган йиғилишининг 2-сонли баённомаси асосида тасдиқланган, 17.04.2021 йил 2/12-1507- сонли рухсат олинди.

Диссертациянинг «**Ўзбекистон Республикасида коронавирус инфекцияси (COVID-19) бўйича эпидемик вазиятнинг таҳлили**» деб номланган учинчи бобида COVID-19 га шубҳа қилинганлардан олинган патологик намуналарни ПЗР усулида текшириш натижаларини таҳлили ҳамда республика бўйича қайд этилган COVID-19 инфекцияси билан касалланишнинг ретроспектив эпидемиологик таҳлили натижалари баён этилган.

2020 йилнинг 15 мартдан 31 декабргача бўлган даврда жами 5 297 505 нафар шахслар, 2021 йилнинг 6 ойида эса 4 200 011 нафар шахслар ПЗР усулида текширилган. Эпидемия бошланганидан бери текширилганларнинг умумий сони 9 497 516 бўлиб, аҳолининг 28% ни ташкил қилди (Давлат

статистика кўмитасининг 2020 йил 31-декабр ҳолати маълумотига кўра, Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг сони – 33905242). Текширув натижаларининг барчаси Санитария эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматида умумлаштирилиб, маълумотлар базаси шакллантирилди. Республика бўйича эпидемия бошланганидан 2021 йилнинг 1-июлигача ўтказилган ПЗР усулидаги текширув натижасида жамми 111 153 (1,17%) ҳолатда касаллик тасдиқланган (1-расм).



**1-расм. Ўзбекистон Республикасида COVID-19 га ПЗР усулида текширишлар сони ҳамда касаллик тасдиқланган ҳолатларининг таҳлили натижалари**

Касаллик кўпроқ 2020 йилнинг июн-сентябр ойларида, 2021 йилда эса апрел ойидан бошлаб кўпроқ аниқланган. Шу билан бирга касаллик ҳолатларининг ўсиши 2020 йилда кескин, 2021 йили секин-асталик билан ўсиб борган. 2020 йилнинг май-июн ойларида текширувларга нисбатан тасдиқланган касаллик ҳолатлари бирмунча кам бўлган.

Касалланиш ҳолатларининг нисбий кўрсаткичлари Тошкент шаҳри ва вилояти, Самарқанд вилояти, Сурхондарё вилоятларида бир ёки икки босқичли кескин ўзгаришлар билан намоён бўлди. Тадқиқот доирасида республикамиз ҳудудларида COVID-19 инфекцияси билан касалланган беморларни 2020 йилнинг март ойидан 2021 йилнинг июл ойларигача ҳафталик касалланиш кўрсаткичлари таҳлил этилди.


Ўзбекистонда 2020 йилнинг илк касаллик қайд этилган ҳафтасидан (14-21 март) 2021 йилнинг 30-июн кунларигача, яъни 71 ҳафта давомида COVID-19 инфекцияси билан касалланган беморлар сони 111 153 нафарни ташкил этган.

Расмий маълумотларга кўра, республика бўйича касалликнинг қайд этиш кўрсаткичини энг юқори даражаси 2020 йилнинг 01-07 август кунларига тўғри келган ва янги қайд этилган беморларнинг сони 5284 нафарга етган. Касалликнинг энг кам қайд этилиши – 2021 йилнинг 27 феврал – 5 март ҳафтасига тўғри келган.

Республикамиз ҳудудларида COVID-19 инфекцияси билан касалланган беморларни 2020 йилнинг март ойидан 2021 йилнинг июн ойлари мобайнида

кетма-кет келувчи хафтаалардаги кўрсаткичларни солиштирган ҳолда касалланиш кўрсаткичларини ошиши ва камайиш индекслари таҳлил этилди. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, касалланишнинг ўсиб бориши камайишига нисбатан кескинроқ юз берган. Республика бўйича рўйхатга олинган 111 153 нафар беморлар сони, 100 минг аҳолига нисбатан интенсив кўрсаткичи (и.к.) 2020 йил ҳамда 2021 йилнинг 6 ойи бўйича натижалар таққосланганида, 2020 йил кўрсаткичлари анча юқори бўлгани аниқланди. Касалланишнинг энг юқори кўрсаткичлари Тошкент шаҳри (и.к. 2285,40), Тошкент вилояти (и.к. 642,61), Сирдарё (и.к.186,11), Самарқанд (и.к.127,05), Наманган (и.к.107,26), Бухоро (и.к.94,08), Жиззах (и.к. 84,29) ва Андижон вилоятларида қайд этилган (и.к. 84,12). Қолган маъмурий ҳудудларда 100 минг аҳолига нисбатан интенсив кўрсаткич 33,32 дан (Фарғона вилояти) 83,54 гача (Навоий вилояти) бўлган.

2021 йилнинг январ - май ойларида республикада рўйхатга олинган беморларнинг 44,5% ни эркаклар, 55,5% ни эса аёллар ташкил этган. 2020 йилдаги кўрсаткич билан солиштирилганида эркаклар ва аёлларнинг умумий касалланишлар сонига нисбатан аниқланиши ва эркакларнинг аёлларга нисбати деярли бир хил бўлган (2-расм).



**2-расм. 2020 йилнинг 15- мартдан 2021 йилнинг 1-июлигача бўлган даврда COVID-19 инфекцияси аниқланган беморларнинг жинслари бўйича қиёсий таҳлили натижалари (n=111 153), (% да)**

Беморларнинг 24,6% ни 18 ёшгача, 54,5% 19-55 ёш бўлган бўлса, 20,9% ни 55 ёшдан катталар ташкил этган. Беморларнинг 2,1% ни ясли ва боғча ёшидаги болалар, 14,2% ни мактаб ва лицей ўқувчилари, ўқитувчилар- 6,7% ни, тиббиёт ходимлари- 3,4%, ҳарбий хизматчилар -1,4% , ИИБ ходимлари - 1,9%, уй бекалари -15,0%, 49,6% ни бошқалар ташкил этган. 44,7% ҳолатларда инфекция манбаи беморлар бўлган, 55,3% ҳолатларда эса инфекция манбаи аниқланмаган.

2021 йилнинг биринчи ярмида жами касалланганларнинг орасида 18 ёшгача ҳамда 55 ёшдан катта беморларнинг салмоғи 2020 йилдагига нисбатан юқори бўлган. 2020 йилда COVID-19 билан касалланган болаларнинг сони жуда кам бўлган. 2020 йилда касаллик ўтказган катта ёшли

фукароларнинг COVID-19га нисбатан иммунитет шаклланиши 2021 йилда улар орасида касалланишнинг деярли 24%га камайишига олиб келган.

Диссертациянинг «COVID-19 нинг профилактикаси ва эпидемиологик назорати тизимида сероэпидемиологик текширишлар натижалари» деб номланган тўртинчи бобда ишлаб чиқариш кластерида ўтказилган когорт тадқиқот натижалари, рандом сероэпидемиологик тадқиқот натижалари ҳамда коронавирус инфекциясига қарши қўлланиладиган вакциналарнинг самарадорлигини баҳолаш таҳлили натижалари баён этилган.

Ишлаб чиқариш кластерида тадқиқотда иштирок этган ходимлар ишлаш шароитига қараб 2 гуруҳга бўлинди (1-жадвал).

1-жадвал

### Ишлаб чиқариш кластеридаги ходимларнинг ёши бўйича тақсимланиши (n=2330)

	Вахта ишчилари		Идора ходимлари	
	Эмланган (n=876)	Эмланмаган (n=1103)	Эмланган (n=175)	Эмланмаган (n=176)
Ўртача ёши	41,0±1,28	40±1,17	42,0±3,02	40±2,86

Биринчи гуруҳга бир хил шароитда узок муддат вахта усули билан ишлаб, яшайдиган ходимлар киритилди (n=1979); иккинчи гуруҳга айни шу корхонанинг идорасида ишлайдиган ходимлар киритилди (n=351). Ишлаб чиқариш кластерининг аксариятини эркактар ташкил қилди. Ҳамма гуруҳлардаги тадқиқот иштирокчиларининг ўртача ёши – ўзаро мутаносиб бўлди.


Вакцина олмаган барча ходимларнинг анамнезига кўра, вахтадаги ходимларнинг 145 нафари, идора ходимларининг 78 нафари, жами – 223 ходим коронавирус инфекцияси билан касалланганини инкор этди. Барча ходимларнинг SARS-CoV-2 га қарши IgM ва IgG антитаначаларнинг миқдори бир йил давомида 3 ойлик интерваллар билан текшириб борилди. Аммо, анамнезда касалланиш инкор қилинишига қарамай, ходимларнинг 31,8%ида текширувлар бошланганидан кейин SARS-CoV-2 га қарши IgG антитаначанинг мусбат натижаси аниқланди. Вакцина олган ходимларнинг ҳам бир қисми анамнезида касалланганини инкор қилишига қарамай, 1 йилдан кейин антитаначалар аниқланди.

Ушбу ҳолат, анамнезда касалланиш ҳолатининг кузатилгани, симптомларнинг мавжуд бўлиши ёки бўлмаслиги коронавирус инфекциясини ўтказганлигини акс эттирмаслигини исботлади. Шу билан бирга қондаги антитаначаларнинг паст даражада бўлиши, ушбу контингентда вирусга қарши иммунитетнинг жуда сустлигига, ҳамда касалланиш хавфининг юқори даражада эканлигидан далолат беради. Вахта шароитида ишлайдиган ходимларнинг ёпиқ турдаги контингент эканини ҳисобга олинганда, жамоада касаллик тарқалиши хавфи нуқтаи назаридан ҳам айнан анамнезда касаллик



ўтказганини инкор қилган гуруҳ анча аҳамиятлилиги яна бир бор ўз исботини топди.

Эмланмаган ходимларнинг SARS-CoV-2 га қарши IgM ва IgG антитаначаларининг йил давомида ўзгариб бориши жуда суст бўлди. Жумладан, SARS-CoV-2 га қарши IgG антитаначаларининг миқдори бир йиллик тадқиқот давомида ўсиб боришига қарамай, йилнинг охирига бориб 25 ВАУ/мл кўрсаткичдан ортмади. Текширувда олинган натижалар асосида иммунитетнинг кучли ёки кучсиз экани тўғрисида хулоса қилишнинг имкони бўлмади (3-расм).




**3-расм. Ишлаб чиқариш кластеридаги вакцина олмаган ходимларнинг йил давомида антитаначалари миқдорининг ўзгариб бориши (вахтадаги ишчилар n=1103; идора ходимлари n=176), (SARS-CoV-2 га қарши IgM, IgG ВАУ/ml)**

Олинган натижаларни янада тўлиқроқ таҳлил қилиш ҳамда сероэпидемиологик кўрсаткичларнинг бошқа гуруҳлардаги ҳолатини аниқлаш мақсадида ишлаб чиқариш кластерининг вакцина олган ходимларидан қон намуналари олиниб, SARS-CoV-2 га қарши М ва G иммуноглобулинлар ҳамда вирус юзасидаги S-RBD оксигенига қарши антитаначаларга текширилди. Ушбу когорт тадқиқотига олинган гуруҳ, аввалги гуруҳга муқобил бўлди.

Бир йил давомида антитаначаларнинг ўзгариб бориши ҳам ишлаб чиқариш кластеридаги эмланмаганларникига ўхшаш бўлди. Аммо вакцина олганларда SARS-CoV-2 га қарши IgG антитаначаларнинг миқдори вакцина олмаганларникига нисбатан деярли 2 баробар паст бўлди (4-расм).

Ушбу тадқиқотда SARS-CoV-2 га қарши IgG 9 ой мобайнида сақланганлигини кузатдик. SARS-CoV-2 га қарши IgG нинг миқдорини  $21,5 \pm 4,15$  AU / мл гача пасайиши, индикатор ва огоҳлантириш ҳамда эмлашдан кейинги антитанача миқдорини самарали мониторинг қилишда эталон қиймат бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Текширилганларнинг айримларида SARS-CoV-2 га қарши IgG ёки IgM нинг мусбат натижалари қайд этилмаслиги хавфдан дарак беради. SARS-CoV-2 га қарши IgM мусбатлигининг ўртача даражаси бизнинг тадқиқотларимизда 1,8% ни ташкил этди.



**4-расм. Ишлаб чиқариш кластеридаги вакцина олган ходимларнинг йил давомида антитаначалари миқдорининг ўзгариб бориши (вахтадаги ишчилар  $n=876$ ; идора ходимлари  $n=175$ ), (SARS-CoV-2 га қарши IgM, IgG BAU/ml)**

Юқорида кўрсатилган маълумотлар, касалликнинг тарқалишида ва эмлашдан кейинги SARS-CoV-2 га қарши иммун жавобнинг шаклланишида IgM ва IgG антитаначаларига нисбатан S-RBD га қарши антитаначалари ахамиятлироқ экани маълум бўлди.

Ўзбекистон Республикасида қўлланилган вакциналарнинг самарадорлигини аниқлаш бўйича тадқиқотлар ўтказилди.

Махсус тадқиқотда жами 1774 нафар шахслар иштирок этди (2-жадвал).


Улардан 1357 нафари (76,5%) COVID-19 га қарши эмланган, 417 нафари (23,5%) – вакцина олмаган.

COVID-19 га қарши эмлашдан кейинги иммун жавоб 2-3 ҳафталик интервалларга бўлиб таҳлил қилинди (1-14 кун; 15-28 кун; 29-60 кун; 60 кундан кейин). Эмланган шахсларда SARS-CoV-2 га қарши IgG миқдорининг ўзгариши деярли бир хил кечган.


**Тадқиқот иштирокчиларининг олинган вакцина турига ва дозаларига қараб тақсимланиши**

ZF UZ VAK			Astrazeneca		Sputnik-V		Жами
1-доза	2-доза	3-доза	1-доза	2-доза	1-доза	2-доза	
281 (35,4%)	274 (34,5%)	238 (30,1%)	72 (16,9%)	352 (83,4%)	94 (67,1%)	46 (32,9%)	1357
793 (58,4%)			424 (31,2%)		140 (10,4%)		

Бунда IgG нинг вакцина туридан қатъи назар эмлангандан кейинги дастлабки ҳафтаalarda ўсиб бориши кузатилган. Вакциналар бир дозада қилинганда икки ойдан сўнг иммуноглобулиннинг миқдори пасайган (5- 6-7 расмлар).




**5-расм. COVID-19 га қарши Astrazeneca вакцинаси билан эмлангандан кейин SARS-CoV-2 га қарши IgG миқдорининг ўзгариб бориши (n=424)**




**6-расм. COVID-19 га қарши Sputnik-V вакцинаси билан эмлангандан кейин SARS-CoV-2 га қарши IgG миқдорининг ўзгариб бориши (n=140)**

ZF-UZ-VAK 2001 билан эмлангандан кейинги ҳолат ҳам бошқа вакциналарникига ўхшаш бўлган, уч дозада эмланганларнинг SARS-CoV-2 га қарши IgG нинг миқдори барқарор равишда икки ой давомида юқорилигича қолган (7- расм). Вирус юзасидаги S-RBD оқсилга қарши антитаначаларнинг миқдори текширилганида барча вакциналарга жавобан юқори кўрсаткичларда антитаначалар пайдо бўлгани ва эмлангандан кейин икки ой давомида ортиб бориши намоён бўлди.




7-расм. COVID-19 га қарши ZF-UZ-VAK 2001 вакцинаси билан эмлангандан кейин IgG миқдорининг ўзгариб бориши (n=793)

Бу ҳолат айниқса Sputnik-V вакцинасидан кейин яққол намоён бўлди. Вакциналардан кейин S-RBD оқсилга қарши антитаначаларнинг энг аҳамиятли жиҳати шундаки – ушбу антитаначаларнинг даражалари SARS-CoV-2 га қарши IgG даражасидан бир неча баробар юқори бўлиб, вакцинациядан кейин бир неча ой давомида ўсишда давом этди. (8 - 9 - 10 расмлар).




8-расм. COVID-19 га қарши Astrazeneca вакцинаси билан эмлангандан кейин S-RBDab миқдорининг ўзгариб бориши (n=424)

ZF-UZ-VAK 2001 вакцинаси бу жихатдан бошқа вакциналар каби самарадорлигини кўрсатди. Яъни, вирус юзасидаги S-RBD оксилга қарши антитаначаларнинг миқдори SARS-CoV-2 га қарши IgG миқдуринан камида 3 баробар ортиқ бўлиб, вақт ўтиши билан янада ўсиб борди.



9-расм. COVID-19 га қарши Sputnik-V билан эмлангандан кейин S-RBDab миқдорининг ўзгариб бориши (n=140)

Вакцинанинг битта (бустер) дозаси COVID-19 билан касалланиб соғайганларда барқарор (яъни, анти-спайк-RBD IgG ва NAb) иммун жавоб чақиришини, ушбу инфекция билан касалланмаганларда антитаначаларнинг юқори даражаларини олиш учун бустер вакциналар зарурлигини аниқладик.



10-расм. COVID-19 га қарши ZF-UZ-VAK 2001 вакцинаси билан эмлангандан кейин S-RBDab миқдорининг таҳлили натижалари (n=793)

Аммо, барча ҳолатларда антитаначаларнинг даражалари COVID-19 билан касалланиб соғайганларда юқориликча қолмоқда. Вирусли инфекцияда бирламчи вакцинацияга нисбатан иммун жавоб эрта ва жадал бўлади, бустерли вакцинация COVID-19 га нисбатан антитаначаларнинг эҳтимол узок сақланидиган, сезиларли, юқори даражаларда бўлади. Ушбу маълумотлар эмлашнинг иммунологик самарадорлигини тасдиқлайди, шунингдек табиий инфекцияга нисбатан вакцинация эҳтимол юқори ҳимояни таъминлашини тахмин қилиш имконини беради.

Диссертациянинг «Ўзбекистон Республикасида пандемия ва пандемиядан кейинги даврда COVID-19 га қарши махсус профилактика стратегиясини ишлаб чиқиш» деб аталган бешинчи бобида пандемия даврида Ўзбекистон Республикасида COVID-19 га қарши тезкор вакцинопрофилактикани ташкиллаштириш ва ўтказиш, эмлашдан олдинги ҳамда эмлашдан кейинги даврда фавқулодда вакцинапрофилактиканинг когорт серозеидемиологик тадқиқотлари натижалари баён этилган.

2021 йилнинг июн ойида Ўзбекистон Республикасининг 14 та маъмурий ҳудудида SARS-CoV-2 га қарши IgG синфига мансуб антитаначаларнинг йиғиндиси ва S-RBDab га қарши антитаначаларни мавжудлигини аниқлаш учун ИХЛТ усулида қон зардоби (асосан соғлиқни сақлаш тизимининг ходимлари) текширилди.

Жами текширилганлар 1774 нафар кишини, жумладан эмланмаганлар - 417 нафар, вакцинанинг биринчи дозасини олганлар - 447 нафар, вакцинанинг иккинчи дозасини олганлар - 672 нафар, 3 дозасини олганлар (ZF-UZ-VAC2001) – 238 нафарни ташкил этди. Маълумотларни таҳлил қилишда қуйидагилар эътиборга олинди: уларнинг жинси, ёши, эпид.анамнези -COVID-19 билан касал бўлган/ касал бўлмаган, (агар касал бўлган бўлса, оғирлиги бўйича: енгил/ўрта оғир/оғир), вакцина тури (AstraZeneca, Спутник - V, ZF-UZ-VAC2001).

Текширилганларнинг ўртача ёши 45,24 га тенг (касалликнинг кечиши бўйича енгил – 49,00 ёш; ўрта оғир – 44,24 ёш; оғир – 47,00 ёш). Эркаклар 28,9% ни, аёллар 71,1% ни ташкил этди (аёллар эркакларга нисбатан 2,45 марта кўп).

COVID-19 билан касалланиб соғайганларда эмлашгача SARS-CoV-2 га қарши IgG нинг даражаси (табиий иммунитет – табиий антитаначалар) қуйидагича бўлди: касаллик енгил шаклда кечганларда -  $85,97 \pm 24,98$  AU/мл / ўрта-оғир- $127,58 \pm 35,97$  AU/мл, оғир кечганларда -  $149,78 \pm 51,92$  AU/мл; умуман гуруҳдаги кўрсаткич  $123,90 \pm 25$  AU/ml га тўғри келган.

Касалликнинг енгил шакли билан касалланиб соғайганларда S – RBD га қарши IgG антитанача - $221,56 \pm 156,73$  AU /мл , ўрта-оғир -  $243,78 \pm 56,79$  AU /мл, оғир - $553,66 \pm 210,05$  AU /мл. Умуман, гуруҳдаги кўрсаткич  $299,48 \pm 57,01$  AU /мл.

Касал бўлиб соғайганларда S-RBD га қарши IgG нинг даражаси қуйидагича бўлди: касаллик енгил кечганларда -  $248,93 \pm 189,20$  AU /мл, ўрта-оғир –  $268,32 \pm 70,54$  AU/мл, касаллик оғир кечиб соғайганларда -

376,92±311,57 AU /мл. Умуман олганда, гуруҳда -299,48±57,01 AU/мл ни ташкил этди.

Вакцинанинг биринчи дозаси билан эмлашдан сўнг (сунъий фаол иммунитет / сунъий фаол иммунитет + табиий иммунитет) вакциналарнинг тури ва эмлашдан кейинги ўтган вақтга кўра, қуйидаги натижалар олинган: AstraZeneca билан эмлашдан сўнг, касаллик энгил кечганда, эмлашнинг 32-кунда SARS CoV2 га қарши IgG нинг миқдори - 59,87 AU/мл, ўрта – оғир кечганда, 35 кунда -50,38 AU/мл, оғир кечганда, эмлашнинг 35 кунда 857,03 AU/мл; умумий кўрсаткичи 322,43±267,32 AU/ мл.

